

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Косонсой туман халк таълими
бўлими мудири



С.Эргашев

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Косонсой -2022 й

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома
- II. Техник кисм
- III. Нархлар кисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Наманган халк таълими бошкармаси тасарруфидаги Косонсой туман ХТБ га карашли таълим муассасаларига қўмир ташиш хизмати

Юк микдори (тонна)- 2739 кг

(масофа)- 4800

ТН/КМ баҳоси -1500 сум

Танлов охирги киймати 230 340 000 сум. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайли.

Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларинг техник кисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб жорий йилнинг 10-сентябрь ойига кадар.

1.5 Ишларни бошлаш муддати— шартнома тузилган санадан бошлаб хисобланади.

1. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Косонсой туман халк таълими бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Косонсой тумани Гулобод мфй Меъмор кучаси 101-үй

“Буюртмачи” вакилининг аюка телефони: Бухгалтерия хисоби ва Давлат харидлари булими Н.Авезматов тел: 94-666-46-84

Косонсой туман халк таълими бўлими инг харид комиссияси ишчи орган хисобланади.

Танлов хужжатлари конунда белгиланган беш кишидан кам бўлмаган харид комиссияси томонидан баҳоланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган. камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танловла иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади: Танлов предмети кийматини камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағга эгалиги. ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги: шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомила хукукий лаёкат ва ваколатлар; танлов объектига ўшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги,

уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар: танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжаланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда); Низом маблаги микдори

Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боялик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар

мол-мулки мусодара килинганлар. хамда муассислик келишув. молиявий иштирок холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Электрон танловда иштирокчилар узларини танлов таклифларини электрон шаклда шахсий кабинетларидан белгиланган муддатдан кечикмай беришлари лозим.

- Танлов учун таклифлар ва уша иловалар ва хужжатлар. маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

Электрон танлов иштирокчиси бир дона лот учун бир дона танлов таклифи бериш хукукига эга

- Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилган маълумот ва хужжатлар хакиийлиги ва ишончлилигига жавобгарликни олади.

- Электрон танлов иштирокчиси таклиф бериш муддати тугагунча берилган таклифи бекор килиш ёки унга ўзгартириш киритиш мумкин.

- Электрон танлов иштирокчиси электрон система оркали танлов таклифлари элонда кўрсатилган муддати ва вакти келгандан сўнг тутатилади.

- Танлов таклифини бериш билан биргаликда иштирокчи танловни барча шартларига кунганилиги ва танлов бўйича хеч кандай келишмовчилик ва шикоятлар йуклигини англатади

4.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

Зарур холларда буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартириш киритиши мумкин. Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиши бўйича карор танлов таклифлари бериш муллати тугашига камида бир иш куни колганда кабўл килиниши мумкин. Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш жараёнида махсулот (иш.хизмат) еки унинг хусусиятлари ўзгартириш киритишга йул кўйилмайди. Таклиф бериш муддати тугамасдан танлов хужжатларига ўзариш киритилган тақдирда, танлов ўзгартириш киритилган кундан уч иш кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилади.

Таклифлар муддатини узайтирилиши факат **ҳарид комиссияси йигилиши** карори асосида амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Давлат ҳаридлари тугрисидаги Конун талабларини бүм ан шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

Ҳарид комиссияси давлат ҳаридлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

Танлов иппирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакиийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белги.ланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларла шартнома тузишга мажбурдир. .

6. БОШКА ШАРТЛАР

Давлат биортмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартишлар киритилган санадан эътиборан камила уч иш кунга узайтирилиши керак.

Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборш.пга хами. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси. агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса. ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

Харид комиссияси мажлиси баёни электроп шаклда тузилади хамда икки иш кунида мухокама даврида туради.

Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чик-иш ва ба,холаш баённомаси эълон килинганидав сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тутрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида танлов ишгирикчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаетган танлов иштичиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.